

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
БУЙРУГИ**

2020 йил "12" 07

№ 398-У

Бухоро ш.

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2020 йил 10 июлдаги
374-сонли буйруғи ижроси тўғрисида

Ҳозирги кундаги пандемия ҳолатлари, белгиланган карантин тиртиблари, Коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш ҳамда ўқишни кўчириш, қайта тиклаш бўйича мурожаат этувчи фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган "Олий таълим муассасалари талабалари ўқишни кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 10 июлдаги 374-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 10 июлдаги 374-сон буйруғи ижро учун қабул қилинсин.
2. "Олий таълим муассасалари талабалари ўқишни кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 6-7-8-бандларига мувофиқ 2020-2021 ўқув йили учун республика олий таълим муассасаларига талабалар ўқишни кўчириш, тиклаш бўйича аризаларни қабул қилиш жараёни 2020 йил 15 июлдан 5 августгача (шу кунга ҳам) вазирлик томонидан ишлаб чиқилган махсус электрон дастур (transfer.edu.uz) орқали онлайн қабул қилиниши (рўйхатдан ўтказилиши) маълумот учун қабул қилинсин.
3. Талабалар ўқишни кўчириш ва қайта тиклаш масалалари бўйича ҳудудий мурожаатлар маркази таркиби қуйидагича тасдиқлансин:

| № | Профессор-ўқитувчилар Ф.И.Ш. | Лавозими |
|----|---------------------------------|---|
| 1. | Ҳикматов Дониёр Нематович | "Олиқ-овкат ва кимё саноати машина ва жиҳозлари" кафедраси доценти, ҳудудий мурожаатлар марказига масъул |

| | | |
|----|----------------------------|--|
| 2. | Атоев Эхтиёр Худоеврови | “Кимё” кафедраси доценти худудий мурожаатлар марказига масъул |
| 3. | Сиддиков Санжар Сирож ўгли | “Энергоаудит” кафедраси докторанти, худудий мурожаатлар марказига масъул |

- худудий мурожаатлар маркази масъуллари 2020 йил 15 июлдан 30 августгача ҳар куни соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача (якшанба-дам олиш куни; шанба-соат 9⁰⁰дан 15⁰⁰ гача) фаолият кўрсатиши таъминлансин ҳамда худудий оммавий ахборот воситалари, институтнинг веб-сайти орқали худудий мурожаатлар маркази фаолияти ҳақида эълон қилинсин;

- худудий мурожаатлар марказига мурожаат этган фуқароларга ўқишини кўчириш, тиклаш тўғрисида аризаларини (ҳужжатларини) топшириш (рўйхатадан ўтказиш) билан боғлиқ саволлари, муаммолари бўйича аниқ кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш вазифаси юклатилсин.

- мурожаатлар марказининг телефон рақамлари институт расмий веб-сайтида эълон қилишини таъминлансин.

4. Мазкур Низомнинг 6-бандига мувофиқ, фуқаролардан ўқишини кўчириш (тиклаш) тўғрисида келиб тушган аризаларни институт ваколати доирасида кўриб чиқиш бўйича комиссия таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўқишни кўчириш, қайта тиклаш масалалари бўйича фуқароларнинг тегишли ҳужжатларидан (рейтинг дафтарчаси, академик маълумотнома, транскрипт) нусха олишларига зарур шарт-шароитлар яратиш учун мурожаатлар маркази ходимлари ва тегишли факультет деканлари маъсул этиб белгилансин.

6. Девонхона ва архив бўлими (Г.С.Барноева) томонидан мазкур буйруқ барча тегишли маъсулларга 1 кун муддатда етказилиши таъминлансин.

7. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Асос: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 июлдаги 374-сонли буйруғи.

Ректор

Н.Р.Баракаев

